

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 29 (1208) 2019 йил 1 август

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодini телефонингиз орқали сканер қилинг



ЙИЛЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

QISHLOQQURILISHBANK

Farovon hayotingiz xizmatida!



25 ЙИЛЛИК ТАЖРИБА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги қарорига кўра, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида 1994 йил август ойида "Ғаллабанк" ташкил этилган эди. Банк 15 йил давомида мазкур соҳада самарали фаолият юритди. 2009 йилга келиб, банкка янада масъулиятли вазифа юкланиб, унинг янги фаолият йўналиши белгилаб берилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги қарорига асосан, "Ғаллабанк" негизда "Қишлоқ

қурилиш банк" ташкил этилди. Натижда банк қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш ва ободлигини таъминлашдек муҳим йўналишда фаолият юритадиган бўлди.

Ўтган йиллар давомида банк қишлоқ қурилишини молиялаштиришдан ташқари мижозларга хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, инвестицион лойиҳаларни сармоялаш, аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш борасида сезиларли тажриба тўплади.

(Давоми 6-саҳифада)

2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, банк тизимини ислоҳ қилиш, барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар мамлакатимиз банк тизими ривожига муҳим омил бўлмоқда.

Акциядорлик-тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" ҳам ана шу молиявий ислохотларда фаол иштирок этиб, аҳолига замонавий банк хизматларини кўрсатиб, юртимиз ривожига учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР СОНИ ОРТМОҚДА



Яқинда АТИБ "Ипотека-банк" ҳамда Германиянинг Landesbank Baden-Württemberg банки ўртасида евро ва АҚШ долларларида вакиллик ҳисобварағини юритиш, тўлов хизматларини йўлга қўйиш ҳамда FX-амалиётларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Landesbank Baden-Württemberg Германия Федератив Республикасининг молиявий бозоридаги бешта йирик банклардан биридир. У йирик корпоратив ва хусусий мижозларга банк хизматлари кўрсатиб келаётган жаҳон молия бозорининг фаол иштирокчиларидан ҳисобланади.

"ТРАСТБАНК" ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР МАДАДКОРИ

ҚАРОР ВА ИЖРО

"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки жойларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали янги иш ўринларини яратиш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истиқболли лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштиришга катта эътибор қаратмоқда.



(Давоми 4-саҳифада)



"БАНК ХИЗМАТЛАРИ
МАРКАЗИ"
ИШГА ТУШДИ → 2



ЖАҲОН
ИҚТИСОДИЁТИГА
САЛБИЙ ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ОМИЛ → 5



"ТУРОНБАНК"
АТБНИНГ ИСТИҚБОЛГА
САРФЛАЁТГАН
САРМОЯЛАРИ → 7

“ИПОТЕКА-БАНК” ФАОЛИЯТИ БАРҚАРОР

“Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкига “BB-” даражасида хорижий ва миллий валюталардаги узоқ муддатли эмитент дефолт рейтингини (IDR) берди. Эмитент дефолт рейтинги истиқболи “Барқарор”.



Бундан ташқари, агентлик банкни “B” барқарорлик рейтингини даражасида баҳолади. “Ипотека-банк” АТИБга берилган узоқ муддатли эмитент дефолт рейтинглари “Fitch Ratings” агентлиги фикрини акс эттириб, зарурат туғилганда давлат томонидан қўллаб-қувватланиш эҳтимоли борлигини билдиради.

“Ипотека-банк” АТИБ Ўзбекистон банк секторидан тўртинчи йирик банк бўлиб, 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида банк секторидagi жами активлар ва депозитлар бўйича 9 фоиз улушига, кредитлар бўйича 10 фоиз улушига эга бўлди.

“Ипотека-банк” АТИБ Ўзбекистоннинг ипотека кредитлаш бозоридан 20 фоиз улушга эга бўлиб, салмоқли мижозлар базасига эга. Банк имтиёзли шартлар асосида

ипотека кредитларини тақдим этувчи арзон уй-жой қурилиши дастурларининг асосий оператори ҳисобланади.

2018 йил ҳисоботларига асосан, “Ипотека-банк” мақбул даромадлилик даражасига эга бўлиб, ўртача активлар ва капиталга нисбатан соф фойда даражаси мос равишда 1,1 ва 12,3 фоизни ташкил этди. Рентабельлик кўрсаткичлари бошқа банклар билан таққосланганда ижобий кўринади.

2018 йил 20 декабрда халқаро рейтинг агентлиги “Fitch Ratings” Ўзбекистон Республикасининг хорижий ва миллий валюталардаги узоқ муддатли эмитент дефолт рейтингини (IDR) ни “BB-” даражасида баҳолаган эди. Эмитентнинг дефолт рейтинги истиқболи “барқарор” кўринишида тасдиқланган.

Банк Ахборот хизмати

ЖАРАЁН

“БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ” ИШГА ТУШДИ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида тижорат банкларининг жойлардаги 70-100 нафар ходим ишлайдиган филиаллари ўрнига 10-15 нафар штатдан иборат ихчам “Банк хизматлари марказ”ларини кўпайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

Ушбу топшириқ ижросидан келиб чиққан ҳолда Халқ банки томонидан аҳолига банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ва мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда “Банк хизматлари маркази” ташкил этилмоқда. Яқинда акциядорлик тижорат Халқ банки Хоразм вилояти филиали томонидан Урганч шаҳри марказида ана шундай “Банк хизматлари маркази” фаолияти йўлга қўйилди.

Марказда юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк ва консалтинг хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, жисмоний шахслар учун микроқарз, овердрафт ва бошқа кредитларни расмийлаштириш, пластик карточка очиш имконияти яратилди.

– Марказда мижозларга ҳисоб рақам очиш, кредит бериш учун ариза олиш, омонатни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти яратилган, – дейди Халқ банкининг Хоразм вилояти филиали раҳбари Жамол Юсупов. – Натижада мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ошиб, уларнинг

банк хизматларидан фойдаланишга келтирилган вақти камайди.

Ушбу “Банк хизматлари маркази” банккоматлар билан таъминланган бўлиб, дам олиш кунисиз фаолият кўрсатади. Қолаверса, мижозлар банккоматлар хизматидан фойдаланиш билан бирга коммунал, уяли алоқа операторлари, интернет ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

– Энди турли тўловлар ҳамда банк хизматлари учун узоққа боришга ҳожат қолмади, – дейди Комила Эгамбердиева. – Уйимизнинг ёнида ташкил этилган марказда тўловларни амалга ошириш, пластик карта очиш ва омонатга пул қўйиш каби бир қатор банк хизматларидан фойдаланишимиз мумкин. Албатта, бундай қулайликдан миннатдормиз.

Қайд этиш жоизки, Халқ банки томонидан босқичма-босқич бундай марказлар барча ҳудудларда ташкил этилиши режалаштирилган. Албатта, бу каби марказлар мамлакатимиз аҳолиси учун қулай, тезкор ҳамда ишончли банк хизматларини кўрсатади.

Сарвар ОЧИЛОВ

“Ўзагросуғурта”

АЖ томонидан минтақавий бўлинмаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда.

САРҲИСОБ

Жумладан, яқинда Бухоро вилоятида жамиятнинг Бухоро вилояти филиалининг замонавий қулайликларга эга ҳамда моддий-техник базаси илғор ахборот технологиялари билан жиҳозланган, қайта реконструкция қилинган биноси фойдаланишга топширилди.

Филиалнинг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими, “Ўзагросуғурта” АЖнинг Бошқарув раҳбарияти, барча вилоятлар филиаллари раҳбарлари, ходимлар, Жамият мижозлари иштирок этиб, ушбу филиал вилоят аҳолиси, жа-

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

мият мижозлари учун катта қулайликлар яратиши, суғурта хизматларини кўрсатиш сифатини янги bosқичга олиб чиқишида катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шунингдек, тантанали тадбирдан сўнг филиалда “Ўзагросуғурта” АЖнинг биринчи ярим йиллик фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг олти ойида жамиятнинг молиявий-иқтисодий ривожланиш прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Маълумдир жорий I ярим йиллик якунлари бўйича жамият фаолиятининг натижалари ҳар томонлама таҳлил қилиниб, суғурта бозоридagi ўрнини янада мустаҳкамлаш, аҳолига янги суғурта хизматларини жорий этиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, жамият иш режаларига зарур қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш чора-тадбирлари



белгилади.

Таъкидландики, жамият 2019 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича суғурта шартномалари тузиш жиҳатидан республика суғурта бозорида етакчи ўринда бормоқда. Суғурта компанияларига бўлган ишонч, компания томонидан суғурта қилдирувчиларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми, шунингдек, компания шартнома мажбуриятларини бажариши, яъни

кўрилган зарар бўйича тўловларни ўз вақтида қоплаб бериши билан белгиланади. Жамият тизимида суғурта даъволарини кўриб чиқишни такомиллаштириш ҳамда мижозларга етказилган зарарни тез муддатда тўлаб бериш самарадорлиги доимий равишда ошириб борилмоқда.

Ҳисобот давомида биринчи ярим йилликда жамият бўйича 134 млрд. сўмдан ошиқ миқдорда

суғурта мукофотлари тушуми таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари 17,2 фоизни ташкил қилди. Ўтган олти ой давомида тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар 35,9 трлн. сўмни ташкил этди. Келиб тушган 10 269 та аризалардан 9 762 таси қаноатлантирилиб умумий миқдорда 28,4 млрд. сўм суғурта товонлари тўлаб берилди.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталаш ва мамлакатимизнинг чекка маҳаллари аҳолисига суғурта хизматларини кўрсатиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилиб, шартномаларнинг 22 851 тасини шу йўналишдаги шартномаларни ташкил этиб, улар юзасидан 18,3 млрд. сўм суғурта товонлари тўланди.

Шу жумладан, аҳоли суғуртаси бўйича 1 043 999 та шартномалар тузилиб, 4,3 млрд. сўм миқдорда товон пуллари тўлаб берилди.

Шаҳноза ЭРАЛИЕВА

“АСАКА БАНК”ДАН ЧАКАНА КРЕДИТЛАР

“Асака” акциядорлик тижорат банки томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Асака” банкнинг чакана кредит турлари ва уларнинг моҳияти” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда банк раҳбарияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Тадбирда таъкидландики, мамлакатимизда банклар ўртасида ошиб бораётган рақобат шароитида қулай жойларда хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш ва мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш тижорат банкларини ривожланишининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб бормоқда.

Бу борада “Асака” банки ҳам Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

қарори ижроси доирасида қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу ҳақда “Асака” банк чакана бизнес департаменти чакана кредитлаш бошқармаси бошлиғи Павел Ким куйидагиларни маълум қилди.

– Хусусан, банк томонидан чакана бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳоли учун қулай бўлган банк маҳсулотлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, турли йўналишда қулай фоизли чакана кредитларнинг ажратиби келинаётгани банк мижозлари сонининг ор-

тишига хизмат қилаётир. Бу жараёнда аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сони бир қанча қисқартирилди. Натижада айна дамда аксарият чакана кредитларимизга фуқародан паспорт, ойлик маоши ҳақидаги маълумотнома ва учинчи шахс кафиллиги талаб қилинмоқда. Бундай қулайлик сабаб, шу кунгача бирор фуқародан ҳужжатлар борасида эътирозлар келиб тушмади. Демак, амалга ошираётган ислохотларимиз ўзини оқламоқда.

Маълумотларга кўра, чакана кредит тўловлари асосида “Асака” банк томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 17194 нафар мижозга 268 миллиард сўмдан зиёд маблағлар ажратилган. Агар буни йўналишлар кесимида олганимизда 1486 нафар мижозга истеъмол кредити, 12 689 нафар фуқарога микроқарз, 605 нафар мижозга овердрафт, 990 талабага таълим кредити ажратилган. Бу рақамлардан кўринадики, банкнинг микроқарз йўналишидаги кредитларига аҳолининг талаби катта бўлмоқда.

Қолаверса, “Асака” банк томонидан аҳоли учун республикаимизда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун ҳам кредитлар ажратилмоқда. Мазкур кредитлар 3-5 йилларга мўлжалланган бўлиб, автомобилнинг русумига қараб кредит фоизлари неча йилга берилиши аниқланмоқда. Жорий йилнинг 6 ойига қадар мазкур кредитлардан 1 424 нафар мижоз фойдаланган.

Тадбир сўнггида банк мутахассислари журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб беришди.

Рустам ПЎЛАТОВ

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Туронбанк” АТБнинг “Мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятининг ривожланиши, электрон хизмат турларининг кўпайиши, электрон банкинг хизматларининг такомиллашуви” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банкнинг раҳбар ва масъул ходимлари, шунингдек, ОАВ ходимлари иштирок этди.

“Туронбанк” АТБнинг буғунги кунда 20 та филиали, 39 та минибанки, 23 та валюта айирбошлаш шохбачаси, 38 та универсал касаси, 14 та халқаро пул ўтказмалари шохбачалари ва 26 та коммунал ва махсус кассалари 23 мингдан зиёд юридик ҳамда 600 мингдан зиёд жисмоний шахсларга кенг қўламли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Банк томонидан аҳолига қатор қулайликлар яратиш мақсадида инновацион хизматларни жорий этиб республикаимизнинг барча ҳудудларида 24/7 тизимида фаолият юритувчи “Автоматлаштирилган тўлов марказ”лари ишга туширилди.

Тадбирда “Туронбанк” АТБнинг жорий йилда мижозларга сифатли банк хизматларини кўрсатишнинг инновацион кўринишлари, ҳамда келгусида бу йўналишда амалга ошириши на-

ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

зарда тугилаётган режа ва мақсадлар ўртоқлашилди.

Банк бошқаруви раисининг ўринбосари Акмал Рискулов банк томонидан қўлга киритилаётган муваффақиятлар, банк фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишларга тўхталди.

– Ўтган йиллар давомида банкнинг капиталлашув даражаси сезиларли ошди, ресурс базаси ва ликвидлиги янада мустаҳкамланди, инвестицион фаолият ўсишига эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга банкнинг молиявий кўрсаткичлари барқарор ўсиши таъминланмоқда, – дейди бошқарув раиси ўринбосари.

Республикаимиз ҳукумати томонидан барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, электрон ҳукумат, электрон давлат хизматлари жадал ривожлантириш йўлга қўйилаётганда, банк йўналишларида ҳам замонавий электрон технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазибалардан ке-



либ чиқиб, “Туронбанк” АТБ раҳбар ва ходимлари ҳам электрон хизмат турларини бозор иқтисодиёти реаллигидан келиб чиқиб янада ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, банк томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган хизматлар сифати ва қўламини ошириш, айниқса масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш тизимларини янги имкониятлар билан бойитиш амалда фойдаланаётган дастурий воситаларни янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди банкни стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти директори Фагани Исмоилов.

Банк томонидан янги технологик воситалардан, за-

монавий интернет ва мобил технологиялардан кенг фойдаланиш орқали юридик шахслар учун “Корпоратив интернет-банкнинг” ва “Турон-мобайл” каби хизматлар янгиланган ва уларга бир қатор қўшимча хизмат турлари қўшилган. Хусусан, валюта айирбошлашда онлайн буютмачиларини шакллантириш, корпоратив карточкаларни керакли ҳажмдаги маблағлар билан тўлдириш, пластик карточка ҳисобварақларига кирим қилиш учун ўз ходимларининг иш ҳақи реестрини шакллантириб юклаш каби хизматлар жорий этилди.

Шунингдек, жисмоний шахслар учун “Му Тугол” масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш тизими қайта дастурланди. Ушбу мобил илова орқали жисмоний шахсларга онлайн режимида исталган вақтда конверсия амалиётларини ўтказиш, банк омонатларига

маблағлар киритиш, кредитларни сўндириш, коммунал, бюджет, солиқ, алоқа, интернет ва бошқа қўлаб хизматлар учун тўловларни ўтказиш имкониятлари яратилди. Йил бошидан мобил илова орқали банк мижозларига 5 млн. 130 минг АҚШ доллари сотилди ва 1,5 млрд. сўм пул маблағлари миллий валютадаги омонатларга жойлаштирилди. Шунингдек, жорий йил июнь ойида ушбу мобил иловага ХУМО пластик карталари орқали қартадан картага пул маблағларини ўтказиш ҳамда тўловларни амалга ошириш функциялари қўшилди.

Шунингдек, алоқа каналларининг маълумотлар узатиш тезлиги ва сифатини ошириш мақсадида жорий йилнинг 1-чорагида банкнинг сервер комплексини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида янги сервер қурилмалари ва телекоммуникация воситалари ўрнатилди.

Банк филиалларида электрон навбат тизими орқали мижозларга хизмат кўрсатиш билан мижозларнинг эҳтиёжлари доимий мониторинг қилиб борилмоқда. Бу келгусида банк хизматларининг яхшиланишига, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга имкониятлар яратди.

Анжуман сўнггида “Туронбанк” АТБ масъуллари ОАВ ходимларининг банк кредитлари борасидаги саволларига тўлақонли жавоб беришди.

Умида ХУДАЙБЕРГАНОВА

“ТРАСТБАНК” ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР МАДАДКОРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Хусусан, мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ва 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, бугунги кунда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, жами 68 млрд. 630 млн. сўм миқдорига имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш борасида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг Андижон филиали ҳам самарали иш юритмоқда. Филиалнинг мазкур йўналишдаги фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг Андижон филиали, кредитлаш ва молиялаштириш бўлими инвестиция кредитларини бошқариш бўйича бош мутахассиси Шоҳруҳ Рустамовга мурожаат қилдик.

– Вилоят аҳолисини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида, Андижон шаҳрининг 6 та маҳалласидан жами 6836 та хонадон ўрганилиб, “Хар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 69 та кам таъминланган оилаларга 800 млн. сўм миқдорига банк кредитлари ажратилди, – дейди Ш. Рустамов.

– “Хар бир оила – тадбиркор” Давлат дастури ижроси доирасида Андижон вилояти аҳолиси, шунингдек, кам таъминланган оилаларни тадбиркор қилиш мақсадида филиалимиз томонидан имтиёзли кредит маблағларини ажратиш режалаштирилган. Бунинг учун кредит бўлими томонидан худуддаги хар бир хонадонга ташриф буюриб, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун яратилган имконият ва шароитлар бўйича атрофлича тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

– Шу аснода махсус сўровлар ҳам ўтказилиб, аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини кучайтириш мақсадида бизнес-режа ва таъминот ҳужжатларини тай-



ёрлаш борасида батафсил маълумотлар бериб, кредит ажратиш жараёни бўйича кунлик мониторинг ўрнатилди. Хусусан, филиалимиз томонидан 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига кўнчилиikka 415 млн. сўм, асарличиликка 393 млн. сўм, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тикувчиликка 3 млрд. 15 млн. сўм, хунармандчиликка 47 млн. сўм, иссиқхона қурилиши учун 635 млн. сўм, ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 млрд. 700 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун эса 1 млрд. сўм миқдорига имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида эса вилоятда 350 та янги иш ўрни яратилишига эришилди, – дея сўзини якунлади Шоҳруҳ Рустамов.

Мутахассиснинг фикрларидан банк ўз вазифасини тўлиқ ундаётганининг гувоҳи бўлдик. Тадбиркорларимиз-чи? Улар банк маблағларидан қай даражада унумли фойдаланмоқда?

“Micro star max” хусусий корхонаси раҳбари Жўрабев Азиз:

– Тадбиркорлик фаолиятимизни шу йилнинг май ойида “Трастбанк”нинг Андижон филиалидан 185 млн. сўм миқдорига 8 фоизли кредит олиб бошладик. Мазкур маблағга шлакоблок ишлаб чиқарувчи ускуна сотиб олиб, ҳозирги кунда Андижон вилояти Асака туманига турар-жой ва ишлаб чиқариш бинолари қурилиши учун шлакоблок етказиб беришни йўлга қўйганмиз. Айни дамда кичик цехимизда беш нафар йигитлар меҳнат қилмоқда.

Келажақда эса режаларим улкан. Банк билан ҳамкорликни кенг давом эттириб, кичик корхонамизни 150 киши меҳнат қилувчи катта заводга айлантиришни ният қилганман.

Маҳмуда Нажмиддинова – хусусий тадбиркор:

– Ўзим дизайнер-модельерлик мутахассислиги бўйича таълим олганман. Ўқиб юрган кезларим, вилоятда тикувчилик йўналишида кичик хусусий корхона очишни ният қилардим. Бу орзумнинг ушалишида “Трастбанк”нинг Андижон филиали катта кўмак берди. Улар бизнес-режамни қўллаб-қувватлаб, 3 йил муддатга 8 фоизлик 29 млн. сўм миқдорига кредит ажратди. Мазкур маблағлар эвазига тикув машиналари сотиб олиб, йигирмага яқин ёшларни иш билан таъминлашга муваффақ бўлдим. Албатта, бундай хусусий тадбиркор бўлиб етишимизда менга кўмакчи бўлган “Трастбанк”нинг Андижон филиалига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Қолаверса, яқин кунлар ичида кичик бир фабрикани ишга тушириб, вилоятнинг 150 тага яқин ёшларини ишга жалб қилиш ниятим бор. Бунинг учун албатта, “Трастбанк”нинг Андижон филиали кўмагидан фойдаланишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.



Пўлатжон Иминов – хусусий тадбиркор:

– Ёшлигимда товуқ ва кўён боқишга жуда қизикардим. Лекин уларни етиштиришни ҳеч йўлга қўя олмаган эдим. Хонадонимга “Трастбанк” ходимлари келиб турли йўналишларга имтиёзли кредит беришини айтишди. Уларнинг орасида кўнчилик ҳам бор эди. Бунинг эштиб юрагим уриб кетди ва уларга кўнчиликка маблағ ажратишини сўрадим.

Уларга ўз бизнес-режамни тақдим қилгач, тезда 3 йил муддатга имтиёзли кредит ажратиб беришди. Олинган маблағга эса кўнчининг “Оқ великан” ва маҳаллий “Қора жайдари” зотларини харид қилиб парваришлаймиз. Улар кун сайин ўсиб, кўпайиш арафасида.

Кўён йилига 4-6 марта болалаб, тезда кўпайиб кетадиган жонивор. Маҳсулдорлиги ҳам, даромадлиги ҳам шунга яраша. Уни боқиш ҳам қимматга тушмайди. Шу боис уни хар бир хонадонда етиштириш мумкин. Ғўшти парҳезбон, териси эса ишлаб чиқаришга асқатади. Бундай баракали жонивор хар кимни бир пасда бой қилиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирча ишларимиз режадагидек кетмоқда. Кўёнлар кундан кунга етилиб бораёпти. Ишимиз шу йўсинда кетса, яқин кунларда яхшигина даромад олишни мўлжаллаб турибмиз.

Сабоҳат ҲАЙИТҚОРИЕВА

БАНК ХИЗМАТЛАРИ

КРЕДИТ ТЎЛАШНИНГ АРЗОН ВА ТЕЗКОР УСУЛИ

Кредит қарздорлиги бўлган банк мижозларининг аксарияти, одатда кредитни тўлаш учун банк офисларига бориб ёки смартфон ва турли тўлов агрегаторлари орқали тўловларни амалга оширадилар. Айримлар инфокиоскдан фойдаланади.



Сўнгги ойлarda эса аксарият мижозлар мобил иловалардан фойдаланмоқда. Чунки кредитларни тўлаш операциялари иловалар томонидан бепул амалга оширилади. Афсуски, қарз олувчиларнинг ҳаммаси ҳам банкларнинг мобил иловалардан фойдаланмайди.

АИТБ Ипак Йўли банки ана шундай мижозлар учун қулай банк хизматини тақдим этмоқда. Банк кредит олган ўз мижозларига – 6900 бепул хизматини ишга туширди. Бу хизмат мобил телефонларга ҳеч қандай талаби йўқ ва мобил Интернетнинг мавжудлигини ҳам талаб қилмайди.

Муддатли тўловни амалга ошириш учун пластик картага эга бўлиш ва кредит анкета рақамини билиш кифоя. Анкета рақамини олиш учун мижоз кредит шартномага ёки банкнинг алоқа марказига мурожаат қилиши мумкин.

6900 хизмати қандай ишлайди?

Кредитнинг қолган ва муддати ўтган қисми ҳақида мижоз 6900 рақамига банк филиали коди ва анкета рақамини бир сўз билан СМС-хабар шаклида билиб олиши мумкин. Мижозга исми, кредит баланси ва муддати ўтган қарздорлик ҳақидаги хабар келади. Агар муддати ўтган қарздорлик бўлса, уни тўлаш бўйича кўрсатмалар берилади. Бунинг учун пластик карта рақами ва картанинг амал қилиш муддатини бўш жой билан ажратиб иккинчи хабарни юбориш лозим.

Тасдиқлаш СМС-коди карта эгасининг телефон рақамига юборилади, уни 6900 рақамига СМС шаклида киритиш керак. Пул маблағи картадан ечиб олинади ва муддати ўтган кредитни қайтариш учун юборилади.

finance.uz



ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛ

Кўпинча иқтисодиётга салбий таъсир этувчи омиллар сифатида – савдо уруши, қарзлар, дефляция, ишлаб чиқаришни автотомлаштириш, сунъий ақл таъкидланар эди. Аммо демография – жаҳон иқтисодиёти ва келажагига салбий таъсир кўрсатаётган таҳликалардан асосийси ҳисобланишини Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мутахассислари қайд этишди.

ИХТТ томонидан тайёрланган ҳисоботда келтирилишича, Корея, Япония, Германия ва Италияда меҳнат қилишга лаёқатли ёшдаги аҳоли сафи 2050 йилга бориб камайиб кетади. Бу эса давлатларнинг иқтисодий ривожига ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотчилар ИХТТга аъзо мамлакатларнинг ҳар биридаги 20 ёшдан 64 ёш-

гача бўлган аҳоли таркибини ўрганиб чиқди ва тўпланган маълумотлар асосида 2050 йилга бориб ишчилар қатлами Корея ва Италияда 2000 йилдаги ишчилар сонининг 80 фоизини ташкил қилишига оид хулосага келди. Японияда ишчи кучи сони эса дастлабки кўрсаткичга нисбатан 60 фоизга камайди.

Умуман олганда ИХТТга дунё мамлакатларининг 34 таси аъзо бўлган. Маълум бўлишича, 2050 йилга бориб меҳнатга лаёқатли аҳоли сони дастлабки кўрсаткичга нисбатан 111 фоизга ортиши кутилмоқда. Ўсиш асосан туғилиш ва аҳоли сони ортишига оид кўрсаткичлар барқарорлиги таъминланишига боғлиқ.



Айни пайтда ИХТТ маълумотларига кўра, Японияда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони сўнгги 30 йил давомида камайиб кетмоқда. Кореяда эса меҳнатга лаёқатлилар сони яқиндагина орта бошлади, бироқ жорий йилда бу кўрсаткич пасайиши мумкин.

Аксарият мамлакатларда меҳнатга лаёқатлилар

сафи қисқариб бориши жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Кутилмаган харажатлар қисқаради, ривожланган мамлакатлардаги мол-мулклар нархи пасайиб, уй-жойлар ижараси ҳажми камая бошлайди.

Яна бир бошқа ҳисоботда келтирилишича, дунёнинг

турли мамлакатларида 2000 йилдан то 2030 йилга қадар оилаларда дунёга келадиган болалар сони қисқариши кузатилади. Euromonitor қайд этишича, 2015 йилдан то 2030 йилга қадар ривожланган мамлакатларда туғилиш ҳажми 20 фоиз қисқаради, ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил этади.

Мазкур демографик тенденция кўпчиликда ҳавотир уйғотади, бироқ бу ҳавотир яқин ўн йилликда янада кучайиши мумкин. Аксарият ривожланган мамлакатларда жиддий демографик номувофиқлик кузатилади, катта ёшдаги авлод вакиллари сони ёш авлодга нисбатан бир неча баробар кўп бўлади. Бу эса давлатнинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этмасдан қолмайди.

БМТ АҲОЛИ СОНИ 2050 ЙИЛДА ҚАНЧАГА ЕТИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) башорат қилишича, 2050 йил охирига бориб ер юзидаги жами аҳоли сони 9,7 миллиардга етиши мумкин.

Шунингдек, ташкилот ўз маълумотида 2050 йилга бориб Африкадан тортиб Сахаранинг жанубига қадар бўлган ҳудуд аҳолиси ҳозиргига нисбатан икки баробар ортишини тахмин қилган.

Ташкилот мутахассислари ҳисобига кўра, Ҳиндистон аҳоли сони бўйича Хитойни 2027 йилда ортада қолдиради. Хусусан, ўша йили Ҳиндистонда 1,491 миллиард нафар, Хитойда 1,479 миллиард нафар инсон яшайди.

БМТ башорати уч қисмга бўлинади: оптимистик, пессимистик ва ўртача кайфият тақдим этади. Оптимистик башоратга кўра, Россия аҳолиси 2050 йилга бориб 147,3 миллион нафарга етиши мумкин. Пессимистик башоратга кўра эса, Россия Федерацияси аҳолиси сони асримиз ўрталарига бориб 124,6 миллион нафарга етиши кутилмоқда.

БМТ ҳисоботида кўра яқин 30 йил давомида аҳоли сони кескин ортиши кузатилади ва шундан сўнг ўсиш суръатлари пасая бошлайди. Жорий даврдаги тенденциялар сақланиб қолган тақдирда 2100 йилда Курраи заминдаги аҳоли сони 10,8 миллиард нафарга тўғри келиши тахмин қилинмоқда.

Яқин уч ўн йилликда аҳоли сони ўсиши асосан тўққиз мамлакатда, жумладан, Ҳиндистон, Нигерия, Покистон, Конго Демократик Республикаси, Эфиопия, Танзания, Индонезия, Миср ва АҚШ сингари давлатларда кузатилади.

2019 йилда жаҳон бўйича ўртача туғилиш кўрсаткичи ҳар бир аёлга 2,5 та бола тўғри келишини тақозо этди. 1990 йилда эса бу кўрсаткич 3,2 тага тенг эди. БМТ ҳисобига кўра 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 2,2 тага тенг бўлиши мумкин.

Аҳоли сони камайиши билан боғлиқ муаммо аксарият давлатларда учраётгани ҳақида ҳисоботда келтирилган. 2010 йилдан бошлаб дунёнинг 27 та мамлакатини ва ҳудудини камайиши улуши 1 фоизни ташкил этаётган бўлса, 2050 йилга бориб бундай мамлакатлар сони 55 тага етиши мумкин. Уларнинг ярмида камайиши улуши 10 фоиз ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Айни пайтда қатор мамлакатларда аҳолининг табиий камайиши муаммоси мигрантлар сони кўпайиши билан барқарор этилмоқда. Яқин йилларда бундай вазият Беларусь, Эстония ва Германияда кузатилиши мумкин.

БМТ Бош котибининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Лю Чженьминнинг таъкидлашича, аҳоли сони кескин суръатларда ўсиши ҳолати асосан дунёнинг иқтисодий ночор давлатларида кузатилаётган. Бу эса камбағаллик, озик-овқат етишмаслиги, тенгсизлик сингари муаммоларга қарши курашиш, шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш масалаларини ҳал этиш борасида бироз қийинчилик туғдирмоқда.

Айни вақтда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони (25-64 ёшдагилар) жадал суръатларда кўпайётгани ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишига янги имкониятлар эшигини очаётганини маълум қилди Лю Чженьмин.

“Сбербанк” нинг махсус фонди 46 миллион АҚШ долларлик сармоясини Американинг Fort Ross Ventures компанияси ташаббуси билан амалга оширилади. Fetch Robotics лойиҳасига йўналтирди ва ҳамсармоядор мақомига эга бўлди.

РОССИЯ “СБЕРБАНК” И АҚШ РОБОТ ТЕХНИКАСИГА САРМОЯ КИРИТДИ

Маблағлар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва халқаро миқёсда тарқатиш учун сарфланади. Жорий даврга қадар компания Soft Bank Capital, Shasta Ventures, Sway Ventures ва бошқа шу сингари сармоядорлардан умумий қиймати 94 миллион АҚШ долларлик сармояни жалб этган эди.

Fort Ross Ventures компаниясининг ҳамкор бошқарувчиси Виктор Орловский таъкидлаганидек, “Биз автоном робот ишлаб чиқаришда етакчи ва илғор компаниялардан бирига сармоя киритганимиздан беҳад мамнунмиз. Логистика бозори жаҳоннинг энг салоҳиятли тизимларидан саналади. Ушбу тизимни роботлаштириш салоҳияти эса унданда катта. Ҳамкорлигимиз орқали компаниянинг бирор бир тўсиқларсиз Россия бозорига киришига сабаб бўлади, россиялик логистика компанияларига эса илғор техноло-


гиялардан унумли фойдаланиш имконини беради”.

– Мижозларимиз ўзига хос дастурий таъминотларимизни улкан қизиқиш билан қарши олишган. Шу боис биз ўз устимизда ишлашга қарор қилдик ва бунинг учун зарур маблағларни йўналтирдик, – дейди Fetch Robotics Бош директори Мелони Вайз. – Логистика тизимида сифат учун рақобат ҳар доимгиданда юқори даражада. Автоном мобил роботлар ва “булут” ли майдон мижозларимизга сифатли хизматни тақдим эта олади.

Fetch Roboticsга 2014 йилда Сан Хоседа асос солинган бўлиб, унинг асосида Fetch Cloud платформаси юзага келди. “Булут” ли имкониятларга эга мобил робот техникаси ёрдамида Fetch Cloud Robotics платформаси захира маҳсулотларни исталган жойдан туриб бошқариш ва уларни кузатиш, жойлаштириш имконини беради.

НИМА УЧУН ОЛТИН ЭНГ МАҚБУЛ АКТИВ ҲИСОБЛАНАДИ?

Савдо ва валюта урушлари давом этаётган айни бир пайтда сармоя сифатида энг фойдали актив олтин ҳисобланади. У ўз ичидан турли геосиёсий таваккалчиликни даф этади.



Бошқача айтганда, сўнгги вақтларда бир унция олтиннинг қиймати кескин ошди ва сўнгги йиллардаги энг максимал даражага кўтарилди.

АҚШ президенти Дональд Трампнинг Европа ва Хитойга нисбатан ўтказиётган босимдан сўнг “Уолл Стрит” таҳлилчилари, АҚШда валютали интервенция ҳолати юзага келса

долларнинг қиймати тушиб кетиши мумкинлигини, бу эса узоқ вақтдан буён кутилаётган Федерал захира тизими томонидан фоиз ставкалари туширилиши вақтига тўғри келишини тахмин қилмоқда. Бу ҳақда Bloomberg агентлиги Deutsche Bank AG ҳисоботида таяниб маълум қилди.

Банк стратеги Алан Рас-

кин валютавий мижозлардан четда туриб, савдо ва валюта уруши даврида жорий йилда деярли 10 фоизга қимматлашган олтин орқали сармоя киритишни тавсия қилди.

Яқинда Дональд Трамп АҚШ “валюталар манипуляцияси билан боғлиқ катта ўйин”ни бошлашини маълум қилган эди. АҚШнинг долларни “нимжонлаштириш”га бўлган ҳаракати бошқа давлатларда ҳам “ҳақиқий валюта уруши” юзага келишига олиб келиши мумкин.

Айрим маълумотларга кўра, олтин нархининг шакллантирилиши унчалик шаффоф эмас ва нархларнинг вақтига тўғри келиши мантиққа доим ҳам тўғри келмайди.

Шу боис бугунги кунда олтиннинг келажақдаги нархи ошиши эмас, тушиши башорат қилинмоқда.

ЙИЛЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

(Бошланиши 1-саҳифада)



Йилдан-йилга банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами, миқдорлар базаси ва инфратузилмалар тармоғи ҳам кенгайиб борди.

25 йил аввал банк ўз фаолиятини 8 нафар ходим ва 10 та миқдорга хизмат кўрсатиш билан бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб тизимда 3 000 дан зиёд ходим иш юритиб, 807 мингдан ортиқ миқдорга хизмат кўрсатмоқда. Илк йилларда банкнинг дастлабки устав сармоёси 8 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бугунги келиб бу кўрсаткич 1 481,5 млрд. сўмга етди. Соф активлари эса 10 996,8 млрд. сўмни ва жами капитали 1 310,6 млрд. сўмни ташкил қилмоқда.

Банкнинг республика бўйлаб филиаллар тармоғи ва турли шохобчалари ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 42 та филиал, 38 та минибанк, 41 та жамғарма ва 52 та валюта айирбошлаш ҳамда 44 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари республикамиз бўйлаб аҳолига замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

ОБОДЛИК УЧУН

Мана ўн йилдирки, банк қишлоқларда сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, пировард мақсадда қишлоқ аҳолиси ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган Давлат дастурлари ижросида фаол қатнашмоқда.

Жумладан, 2009-2019 йилларда республикамизда 123 мингдан ортиқ намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бўйича иш олиб борилган бўлса, шундан 80 мингдан ортиғи бевосита мазкур банк томонидан молиялаштирилди. Шу даврда қурилиш ишлари учун 15,41 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, унинг 3,23 трлн. сўми аҳоли ва 6,34 трлн. сўми банкнинг имтиёзли ипотека кредити маблағларидир.

Ўтган даврда банк "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида халқаро молия муассасалари билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Маз-

кур ҳамкорлик натижасида банк томонидан Осиё тараққиёт банкининг 500,0 млн. АҚШ доллари, Ислом тараққиёт банкининг 100,0 млн. АҚШ доллари ва Саудия тараққиёт фондининг 60,0 млн. АҚШ доллари миқдоридоғи кредит линиялари жалб қилинди.

Қолаверса, банк Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги "Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Унинг Жиззах вилоятида мактабгача таълим муассасалари қурилишини молиялаштириш борасидаги фаолияти эътиборга моликдир. Айтиб дамда банк

дотлаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Банкнинг кредит кўйилмалари миқдори жорий йил биринчи ярмида 10 032,5 млрд. сўмни ташкил этгани фикримиз тасдиғидир.

Неча йилдирки, банк ўзининг кредит сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада ажратилаётган сармоялар кичик бизнес субъектларининг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ташқи бозорга чиқиш имкониятларини оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

2009-2018 йиллар давомида "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан 212 326 нафар жисмоний шахсларга 7 900 812,3 млн. сўм, 29 794 та юридик шахсларга 6 856 033,0 млн. сўм, 11 729 нафар яққа тартибдаги тадбиркорларга эса 591 288,0 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилган. Бу маблағлар асосида минглаб янги иш ўринлари яратилиб, худудлар ривожига муносиб ҳисса қўшилди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайлида кичик бизнес субъектларига банкнинг ўз

белгиланган бўлиб, банк томонидан ҳозирги кунга қадар 2312 нафар кам таъминланган оилаларга 47,6 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди. Натижада мазкур оилалар ҳам тадбиркорликнинг бошини тутиб ва оилавий даромади ошириб, ҳаёт гаштини сурмоқда.

Шунингдек, банк томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳалар ҳам қўллаб-қувватланмоқда. 2009 йилдан бошлаб 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигигача бўлган давр мобайлида "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан саноат соҳасига, қишлоқ хўжалигига, транспорт ва коммуникацияга, қурилишга, ижтимоий соҳага, моддий-техник таъминот ва маиший хизмат кўрсатишга ва бошқа секторларга 3614,9 млрд. сўм миқдорда инвестиция кредитлари ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига иқтисодий ривожига унчун муҳим бўлган йирик лойиҳалар ҳам амалга оширилгани кишини қувонтиради, албатта.

Шунингдек, 2011-2019 йиллар давомида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, асосан, қишлоқ хўжалиги, мева-қашазавотчилик, чорвачилик, сутчилик ҳамда хусусий секторни ривожлантириш мақсадида банк ва хорижий молия институтлари ўртасида 182 млн. 938 минг АҚШ доллари қийматидаги шартномалар тузилган. Бундай хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ишлари янада кенг давом эттирилмоқда.

Мазкур хорижий линиялар ҳисобидан ҳозирги кунга тадбиркорлик субъектларининг 400 га яқин инвестицион лойиҳалари учун 125 млн. 422 минг АҚШ доллари миқдорда кредитлар ажрати берилди.

Энг муҳими, "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан ажратилаётган сармоялар худудларда янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш ўринлари ташкил этилишига, замонавий сервис йўлга қўйилишига, аҳоли

тадбиркорлиги ривожига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

АСОСИЙ МЕЗОН – ҚУЛАЙЛИК

Миқдорларга қулайлик яратиш банк томонидан жорий қилинаётган хизматларнинг асосини ташкил этади. Шунга мос равишда кейинги йилларда банк тизимида ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофадан бажариладиган амалиётлар таркиби кенгаймоқда.

Хусусан, пластик картчалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, улардан эркин фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида "QQB-Mobile" мобил иловаси татбиқ қилинган.

Банк тизимида янги "Deposit Banking" хизматининг татбиқ этилиши билан омонатчиларда ўз депозит ҳисобварақларидаги маблағлар доирасида нақдсиз амалиётларни ўзлари банк муассасасига келмасдан, шахсий мобил телефонлари орқали бажариш, ўз омонатлари бўйича маълумот олиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, мазкур хизмат орқали омонатларга ҳисобланган фоизларни чиқим қилиш, муддат тўлган омонатларни тўлиқ ёки қисман қайта расмиyllаштириш, омонатни нақдсиз ёпиш каби амалиётларни бажариш, омонатлар шартлари ва омонатлар ҳисобварақлари айланмаси ҳақида маълумот олиш мумкин.

Шу билан бирга банкнинг республика худудларида 24/7 режимида, кечаю кундуз, ходимсиз хизмат кўрсатадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчалари тармоғи ҳам тобора кенгаймоқда. Ҳозирга келиб улар сони 28 та етди. Мазкур шохобчалар замонавий банк хизматларини кўрсатувчи банкоматлар, инфокиоск, "Интернет банкинг" хизматидан фойдаланувчи юридик шахслар, шу жумладан, яққа тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи клавиатурали инфокиоск қурилмалари билан жиҳозланган.

Банк тизимида яратилган бу каби қулайликлар "Мижоз банк учун эмас, банк миқдор учун" тамойилининг амалий тасдиғи дейиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, 25 йиллигини нишонлаётган АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ўтган йиллар давомида Ўзбекистон банк тизимида ўз ўрнига эга бўлди ва иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчиси га айланди.

Шуҳрат ОРИПОВ




"Fitch" va "Moody's" халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Қишлоқ қурилиш банк"нинг барча рейтинглар истиқболи "Барқарор" деб эътироф этилди.

томонидан 2018-2019 йиллар давомида вилоятдаги лойиҳа қиймати 150 млрд. сўмдан ортиқ бўлган 52 та мактабгача таълим муассасаси қурилишига жами 93 млрд. 266 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу эса минглаб болажонларимизни янги боғчаларда таълим-тарбия олишига имкон яратиб, юзлаб янги иш ўринлари яратилишига замин яратди.

Банк сармоялари асосида ўтган йиллар давомида худудларда қад ростлаган намунавий уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари оилаларнинг уй-жойга ҳамда мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, юртимиз кўрकिга кўрк кўшиб, аҳолининг яшаш тарзи сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

БИЗНЕС РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА

Айни дамда банк капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг ўсиши, ўз навбатида, актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан, кре-



“Туронбанк” АТБнинг сўнгги йиллардаги ютуқлари халқаро кўрсаткичлар даражасида ҳам эътироф этилиб, жаҳон рейтинг агентликлари томонидан муносиб баҳоланмоқда. Бу муваффақиятлар, банк тизимидаги бизнес-жараёнларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳамда ислохотлар натижасидир.

Тизимдаги ислохотлар самараси, банкнинг кредитлаш борасидаги фаолиятига чамбарчас боғлиқдир. Кўплаб истиқболли лойиҳаларга ажратилган сармоялар мамлакатимизда тадбиркорлик, бунёдкорлик каби соҳаларни ривожланишига ҳамда шу билан бир қаторда кўплаб янги иш ўринлари яратилишида сабаб бўлмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига, банк кредит қўйилмалари ҳажми 3053,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан, қисқа муддатли кредитлар қолдиги 294,5 млрд. сўмни ташкил этди. Албатта, ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, жорий йилдаги натижалар ўтган йилларга нисбатан бир неча баробар юқоридир.

ЯНГИ ЛОЙИҲА – ЯНГИ ИШ ҲАМ ҲАМ

Банк томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратган 717,4 млрд. сўм маблағлари ўз навбатида, жойларда юзлаб янги лойиҳалар ва минглаб янги иш ўринлари яратилишига пойдевор бўлганлиги самарали натижадир.

Бундан ташқари, йирик ишлаб чиқариш корхоналарига хом-ашё маҳсулотлари ва технологик ускуналар хариди учун 109,4 млрд. сўм кредит маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга эса қарийб 131,2 млрд. сўм маблағлар ажратилди. Республикаимизнинг турли ҳудудларида сервис соҳасини ривожлантиришга жорий йилда банкимиз томонидан 263,3 млрд. сўм маблағлар тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, деновлик тадбиркор Пирим Турдиев “Авто тармоқ сифат” хусусий корхонасида автомобиль эҳтиёт қисмлари савдосини ташкил қилиш ҳамда таъмирлаш хизматларини янада кенгайтириш мақсадида жорий йилда “Туронбанк” АТБ томонидан ажратилган 300 млн. сўм кредит маблағлари эвазига 5 та янги иш ўрни яратди.

Шу кунларда қишлоқ ҳўжалиги техника воситаларини таъмирлаш хизматларини ҳам йўлга қўйганимиз, келгусида корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш учун янги лойиҳаларимизни “Туронбанк” билан ҳамкорликда амалга оширамиз, – дейди тадбиркор.

“Фаёзбек мобил сервис” хусусий корхонаси ҳам бир неча йиллар давомида “Туронбанк”нинг кредит маблағлари ҳисобидан ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб келмоқда:

– 2018 йилда “Туронбанк” томонидан ажратилган 140 млн. сўм кредит маблағлари, жорий йилда эса 88 млн. сўм кредит маблағлари ҳисобига дорихонага иختисослашган тадбиркорлик фаолиятимизда тўрт кишилик иш ўрни яратиб, кел-



“ТУРОНБАНК” АТБНИНГ ИСТИҚБОЛГА САРФЛАЁТГАН САРМОЯЛАРИ

гусидаги фаолиятимизни “Туронбанк” билан ҳамкорликда янада кенгайтирмоқчимиз, – дейди корхона раҳбари Рустам Холиқов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомидаги кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнларида белгиланган вазифалар асосида 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида банкимиз томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳаларни жами 35 таси ўз вақтида амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этилиши учун “Туронбанк” томонидан 46,5 млрд. сўм миқдорида банк кредит маблағлари ажратилди.

Юртимизда ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш доим ҳукуратимиз диққат эътиборида. Банкимиз томонидан ҳам аёллар тадбиркорлиги ривожлантиришда истиқболли лойиҳалар молиялаштирилиб келинмоқда. Жумладан, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида, аёллар бошқарадиган кичик корхоналарга жами 79,3 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга эса 9,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу эса олис қишлоқларда ҳам янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини бериб, ҳудудлар ривожига ҳам ижобий таъсир этмоқда.

“Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури мамлакатимизда оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган йирик дастурлардан бири ҳисобланади. Банкимиз томонидан мазкур дастур доирасида кўплаб самарали лойиҳалар молиялаштирилиб келинмоқда. Бунда “Туронбанк” аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, бандлигини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, банк томонидан жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига жами 136,4 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Оилавий тадбиркор тошкентлик Одилжон Эркинжонов банкдан 30 млн. сўм кредит маблағига иссиқхона ташкил этди.

– “Туронбанк” кредитлари туфайли оилавий бизнесга асос солиб, қўшимча маблағ яратишга имкон туғилди, – дейди тадбиркор. Эндиликда Одилжоннинг оиласи эл дастурхонага турли сабзавотларни етказиб беришда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуратимиз томонидан ҳудудларни комплекс ривожлантириш, жойларда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини тўғри ташкил этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш йўналишида банк томонидан аҳолига кўп қаватли уйлاردан хонадон сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратилмоқда. Натижада минглаб юртдошларимиз уй-жойи бўлаётгани қувонарлиқдир. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида аҳолига уй-жой сотиб олиш учун жами 24,2 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилиб, шундан 800 млн. сўм қисмини “Ёш оила” лар ташкил этди. Бу эса уй-жойга муҳтож оилаларнинг қувончига, ўз уйига эга бўлишдек бахтга эришишига омил бўлди.

Қолаверса, банк томонидан йил бошидан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида, турли истеъмол товарларини (хизматлар) сотиб олишга ҳам қулай кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг иккинчи чорак якунида банк кредит портфели таркибидаги истеъмол ва автокредитлар қолдиги 160,4 млрд. сўмни ташкил этгани фикримиз тасдиғидир.

ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Банк томонидан халқаро молия муассалари билан олиб борилаётган ҳамкорлик самарали кечяпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида Осиё тараққиёт банкининг 30,0 млн. АҚШ доллари миқдорида ва Жаҳон банкининг 1,5 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит линия маблағларини жалб этиш юзасидан қўшимча келишувлар имзоланди.

Шунингдек, мавжуд хорижий кредит линия маблағлари ҳисобидан жами 59,8 млн. АҚШ доллари, жумладан, Жаҳон банкдан 3,9 млн. АҚШ доллари, Осиё тараққиёт банкдан 26,5 млн. АҚШ доллари, Эксимбанк (Хитой) кредит линия маблағлари ҳисобидан 17,8 млн. АҚШ доллари ва бундан ташқари “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун Эксимбанк (Хитой) кредит линия маблағлари ҳисобидан 11,6 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 16 октябрда имзоланган “Осиё тараққиёт банки” иштирокидаги “Мева-сабзавотчилик

тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга мувофиқ, 70,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари жалб этилиб, шу кунгача 28,2 млн. долларлик қисми ўзлаштирилди.

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги “BEST VEG” масъулияти чекланган жамияти молиявий қўмакка муҳтож эди. Шу боис, корхона банкдан мева-сабзавотни қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун 3,5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, ўз ишини бошлаб юборди. Ёки Сирдарё туманида қад ростлаган “Jiansheng International Agricultural Technology” масъулияти чекланган жамиятига қарашли 3 гектарлик иссиқхона инновацион технологиялар билан жиҳозлашга 1,0 млн. АҚШ доллари, “Zarafshon Grand Bog'lari” МЧЖнинг Навоий вилояти Кармана туманида 3 гектар ерда шундай илғор “ойнаванд дала” ташкил этиш лойиҳасига 2,1 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этишга доир истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш имкониятидан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги “Қўшқовуз” масъулияти чекланган жамияти (2,5 млн. АҚШ доллари), Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида жойлашган “БогФон Саркор” фермер ҳўжалиги (880,0 минг. АҚШ доллари) ҳам баҳраманд бўлди.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги “Ширин Ният Барака” МЧЖ томонидан 4,5 млн. АҚШ долларлик кредит ҳисобидан гилосни саралаш ва қадоқлаш ускуналари, меваларни қайта ишлаш ускуналари ҳамда музлатгичли омборхона жамланмасини харид қиладиган бўлди.

Банкнинг эришилган натижалари билан бирга, истиқболдаги режалар ҳам салмоқдор. Жумладан, келгусида Осиё тараққиёт банки иштирокидаги Чорвачилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш қўшимча молиялаштириш лойиҳаси кредит линия маблағлари ҳисобидан 10,0 млн. АҚШ доллари, Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси кредит линия маблағлари ҳисобидан 10,0 млн. АҚШ доллари, Халқаро ислом савдо-молиялаштириш корпорацияси кредит линия маблағлари ҳисобидан 6,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линия маблағлари жалб этилиши режалаштирилган ва ҳозирги кунда музокаралар давом этмоқда. Шунингдек, “Туронбанк” ва Халқаро қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси ўртасида келишув имзоланиш арафасида турибди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги изчил ислохотлар жараёнида “Туронбанк” АТБ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда миқдорларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги хизматларни кўрсатиш билан давлатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Банк Ахборот хизмати

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР
АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИING
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
ҲУДУДИГА КИРГАНЛИГИ ҲАМДА
ТРАНЗИТ ЎТИШИ УЧУН ЙИГИМЛАРНИ
УНДИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги томонидан 2019 йил
20 июнда 2694-3-сонли рақам билан
рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юриштиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 12 июндаги 335-В, 02-02/12-26-сон қарори (рўйхат рақами 2694, 2015 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 365-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомдаги иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий
банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 10 июнь,
335-13-3-сон**

М. НУРМУРАТОВ

**Давлат божхона
қўмитаси раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 10 июнь,
01-02/12-22-сон**

М. АЗИМОВ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки Бошқаруви ва Давлат божхона
қўмитасининг 2019 йил 10 июндаги
335-13-3-сон, 01-02/12-22-сон қарорига
ИЛОВА**

1. 6-банддаги “муҳр ва штамплар ҳамда бланкалар” деган сўзлар “штамп ва бланкалар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 23-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

“23. Йиғимлардан тушган маблағлар (бундан бўён матнда маблағлар деб юритилади) тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ғазна ҳисобварағига ўтказилади.”

3. 25-банддаги “Жамғарманнинг” деган сўз “Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 28-банддаги “Давлат божхона қўмитаси ва Жамғармага” деган сўзлар “ва Давлат божхона қўмитасига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИING
ҚАРОРИ**

**КРЕДИТ БЮРОЛАРИ ВА КРЕДИТ БЮРОЛАРИГА КРЕДИТ АХБОРОТИНИ ТАҚДИМ ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР
ВА ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДА КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИING 5-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 июнда 2330-1-сонли
рақам билан рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 14 январдаги 1/1-сон қарори (рўйхат рақами 2330, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 90-модда) билан тасдиқланган Кредит бюрolari ва кредит бюрolarига кредит ахборотини тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тар-

тиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандидаги “Кредит бюрolarининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 35-модда)” деган сўзлар “Кредит бюрolarини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/6-сон**

М. НУРМУРАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИING
ҚАРОРИ**

**КРЕДИТ БЮРОЛАРИ, КРЕДИТ АХБОРОТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ВА КРЕДИТ АХБОРОТИНИ
ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ЎРТАСИДА КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ ҲАМДА КРЕДИТ
ҲИСОБОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИING 2-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 июнда 2331-1-сонли
рақам билан рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 14 январдаги 1/2-сон қарори (рўйхат рақами 2331, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 91-модда) билан тасдиқланган Кредит бюрolari, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит

ҳисоботларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги “Кредит бюрolarининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 35-модда)” деган сўзлар “Кредит бюрolarини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/7-сон**

М. НУРМУРАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИING
ҚАРОРИ**

**КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТ АХБОРОТИНИING ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА ВА КРЕДИТ
БЮРОЛАРИГА КРЕДИТ АХБОРОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИING
4-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 июнда 2332-3-сонли
рақам билан рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 14 январдаги 1/4-сон қарори (рўйхат рақами 2332, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюрolarига кредит

ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“4. Кредит ахборотининг тақдим этилишида унинг бутлигини, ишончлилигини ва махфийлигини таъминлаш мақсадида Кредит бюрolarини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль) мувофиқ хавфсизлик чоралари кўрилиши лозим.”

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/8-сон**

М. НУРМУРАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
МАРКАЗИЙ БАНКИДА ДЕПОЗИТГА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЖБУРИЙ
РЕЗЕРВЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА
ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019
йил 10 июнда 3002-2-сонли рақам билан рўйхатга олинган.*

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон "Пул-кредит сибсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади: 1.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,

М. НУРМУРАТОВ

Қарорга ИЛОВА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI МАРКАЗИЙ БАНКИДА ДЕПОЗИТГА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЖБУРИЙ РЕЗЕРВЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

1. 1-бандда: туққизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
"мажбурий резервларнинг ҳисоб-китоб даври - мажбурий резервларни сақлаш давридан олдинги ҳисобот оий,"
ўнинчи хатбошидаги "ўн тўрт" деган сўзлар "йигирма саккиз ёки ўттиз беш" деган сўзлар билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
"сақлаш даври календари - мажбурий

резервларнинг сақлаш даврини белгиловчи йиллик календарь".

2. 2-банддаги "ҳамда ўртачалаш коэффициентини" деган сўзлар "ўртачалаш коэффициентини" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 11-банддаги "ҳисоб-китоб даври тугаган кундан кейинги" деган сўзлар "сақлаш даври бошлангич кундан олдинги" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЁШ ОИЛАЛАРГА ИМТИЁЗЛИ
АСОСДА КРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019
йил 4 июлда 1697-5-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марка-

зий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сон қарори (рўйхат рақами 1697, 2007 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 308-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомада иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
14/17-сон

М. НУРМУРАТОВ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 22 июндаги 14/17-сон қарорига
ИЛОВА*

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошидаги "энг кам ойлик иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг"

деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2. 12-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги "энг кам ойлик иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**"ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР" ДАСТУРИ ДОИРАСИДА
КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
5 июлда 3022-2-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/9-сон

М. НУРМУРАТОВ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/9-сон қарорига
ИЛОВА*

"ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР" ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

1. 1-бандда: учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида, вилоят иқтисодиёт ва саноат, бандлик, молия, инвестиция, солиқ, статистика бўлиналари, худудий Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши худудий бўлиналари раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган марказлар (бундан буён матнда Худудий марказлар деб юритилади);"

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари — туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва саноат, бандлик, молия, инвестиция, солиқ, статистика бўлиналари, туман Савдо-саноат палатаси бўлими, тижорат банклари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлиналари раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган марказлар (бундан буён матнда туман (шаҳар) марказлари деб юритилади);"

еттинчи хатбошидаги "энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача" ва "энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача" деган сўзлар тегишлича "базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача" ва "базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 15-банднинг биринчи хатбошидаги "энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 16-банддаги "энг кам иш ҳақининг 1000

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3021/1333-сон) билан тасдиқланган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомада иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 1-банди саккизинчи хатбоши, 2 ва 3-бандлари 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 7 фоиз" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 8 фоиз" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 17-банддаги "худудий ишчи гуруҳлар" ва "ишчи гуруҳларнинг" деган сўзлар тегишлича "туман (шаҳар) марказлари" ва "туман (шаҳар) марказларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 18-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
"18. Туман (шаҳар) марказларининг самарали лойиҳани амалга ошириш бўйича хулосаси Худудий марказларга имтиёзли кредит ажратиш учун қарор қабул қилишга тақдим этилади."

6. 19-банддаги "Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар" ва "худудий ишчи гуруҳларнинг" деган сўзлар тегишлича "Худудий марказлар" ва "туман (шаҳар) марказларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 20-банддаги "Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар" деган сўзлар "Худудий марказлар" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 21-банддаги "Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг" деган сўзлар "Худудий марказларнинг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 22 ва 26-бандлардаги "ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг" деган сўзлар "Худудий марказларнинг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 25-банддаги "ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар" деган сўзлар "Худудий марказлар" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 32-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Бунда, кредитлар товарлар (хизматлар) шартнома асосида келишилган нарҳда етказиб берилгандан (хизматлар кўрсатилгандан) ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилганидан сўнг ажратилади ва маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчининг) ҳисобрақамига ўтказиб берилади."

12. 33-банддаги "худудий ишчи гуруҳларнинг" деган сўзлар "туман (шаҳар) марказларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КАССА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, НАҚД ПУЛ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИКЛАРНИ ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 июлда 3028-2-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/11-сон

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 8 июндаги 13/11-сон қарорига
ИЛОВА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КАССА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, НАҚД ПУЛ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИКЛАРНИ ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

1. 15-банддаги "Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар" деган сўзлар "Амалиёт кассаларидаги нақд пуллар" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 52-банднинг биринчи хатбошисидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

3. 109-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"109. Мижознинг инкассация сумкасига (қопига) нақд пул тушумлари билан биргаликда тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари ҳам солинган бўлса, назоратчи ҳар бир ҳисоб-китоб чекиннинг тўғри расмийлаштирилганлигини (имзолар мавжудлигини, сўз ва рақам билан ёзилган суммаларнинг ўзаро мос келишини, уларни тўлов учун қабул қилинган хўжалик юритувчи субъектнинг масъул ходимининг имзоси мавжудлигини) текширган ҳолда кассирлардан қабул қилиб олиши керак."

4. 126-бандда:

ўн тўртинчи хатбошида "кўк йўлли бўлиши шарт." деган сўзлар "кўк йўлли;" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"100 000 сўмлик банкнотлар учун — эни 15 мм бўлган иккита тўқ жигарранг йўлли бўлиши шарт."

ўн бешинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 131-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"131. Пул дасталарини полиэтилен пакетларга жойлаштириш орқали банкнотлар боғлами шакллантирилганда, ҳар бир полиэтилен пакетга 10 та пул дастаси солиниб, пакетнинг очиқ томони пайвандлаб, ёпиштириш учун пул боғламларини шакллантириш ускунасига жойланади. Бунда, пул

боғламларини шакллантириш ускунаси қопқоғига ўрнатилган клишедаги банк реквизитлари полиэтилен пакетнинг очиқ тарафига автоматик тарзда босилади. Агар, банкнотлар боғламини шакллантиришда фойдаланиладиган полиэтилен пакет, иккита полиэтилен бўлақларини пайвандлаш орқали ишлаб чиқарилган бўлса, бундай ҳолларда пул боғламларини шакллантириш ускунаси қопқоғига ўрнатилган кассир клишедаги банк реквизитлари полиэтилен пакетнинг иккала томонига ҳам босилиши лозим. Ҳар бир кассир ўзи санаган пулларнинг боғламини шакллантиришда, ўзига бириктирилган клишедан фойдаланиши шарт."

6. 132-банднинг биринчи хатбошисидagi "ва 50 000" деган сўзлар "50 000 ва 100000" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 150-банднинг иккинчи хатбошисидagi "муҳри билан тасдиқланган" деган сўзлар "муҳри билан тасдиқланган (тадбиркорлик субъектларидан муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди)" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 9-бобнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"9-боб. Банк томонидан чакана амалиётлар ва банк биносидан ташқарида жойлашган бошқа кассаларни ташкил этиш тартиби".

9. 154-банддаги "мижозларга" деган сўз "жисмоний шахсларга" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 171-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"171. Банк томонидан хўжалик юритувчи субъект мурожаатига асосан томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳузурида белгиланган тартибда банк кассалари ташкил этилиши мумкин. Бунда, ушбу

ташкил этилган кассаларда қандай касса хизматларини кўрсатилиши, банк ва хўжалик юритувчи субъект ўртасида имзоланган шартномага асосан белгилаб олинади. Банк биносидан ташқарида ташкил этилган битта касса орқали ҳам жисмоний шахсларга ҳам хўжалик юритувчи субъектларга касса хизматларини кўрсатиш тақиқланади.

Шунингдек, банкка тегишли мини-банк биносида ҳам барча зарурий шароитлар яратилган ҳамда хавфсизлик чоралари тўлиқ таъминланган бўлса, белгиланган тартибда кассалар ташкил этилиши ҳамда чакана амалиёт кассаси орқали жисмоний шахсларга ва мини-банк айланма кассаси орқали мини-банк мижозлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга касса хизматлари кўрсатилиши мумкин."

11. 193-банддан "тўртбурчак муҳр босилади ёки" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12. 242-банднинг биринчи хатбошидаги "суриштирув органлари" деган сўзлар "терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув органлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Йўриқноманинг 8а-иловасидан "М.Ў. (топширувчининг муҳри)" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14. Йўриқноманинг 9-иловасидан "Нақд пул чекини тақдим этган мижознинг муҳри учун жой" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15. Йўриқноманинг 12-иловасидаги "Жами бир кунда" ва "сўмлик қимматликлар чиким қилинди" деган сўзлар тегишли равишда "Касса мудирига" ва "сўмлик қимматликлар топширилди" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Йўриқноманинг 25-иловасидаги "ва 50000" деган сўзлар "50000 ва 100000" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 июлда 1165-9-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 27 июлдаги 222-В, 89, 2002-62-сон қарори (рўйхат рақами

1165, 2002 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомдаги иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
222-В-9-сон

Молия вазири
Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
80-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
2019-42-сон

М. НУРМУРАТОВ

Д. КУЧКАРОВ

Б. МУСАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқаруви, Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил
22 июндаги 222-В-9,
80 ва 2019-42-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. Қуйидаги мазмундаги "к2" кичик банд билан тўлдирилсин:

"к2) жисмоний шахс — норезидент томонидан ташқи савдо шартномаси бўйича дебитор қарздорликларни сўндириш учун;"

2. Қуйидаги мазмундаги 41-банд билан тўлдирилсин:

"41. Мазкур Низомнинг 1-банди "ж", "з", "к1" ва "к2" кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда жисмоний шахс — норезидент томонидан қуйидаги ҳужжатлардан бири тақдим этилганда нақд чет эл валютаси банк кассасига қабул қилинади:

жисмоний шахс — норезидент томонидан нақд чет эл валютасини чет элдан олиб келганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларацияси; маблағлар банккомат (тер-

минал) орқали жисмоний шахс — норезидентнинг банк карталаридан очилганлигини тасдиқловчи чеклар; жисмоний шахс — норезидент номига унинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига чет элдан келиб тушган маблағларнинг очилганлигини тасдиқловчи банк маълумотномалари.

Нақд чет эл валютаси норезидент томонидан берилган ишончнома асосида жисмоний шахс — резидентлардан қабул қилинганда, пул чет эл валютаси ушбу жисмоний шахс-резидент томонидан чет элдан олиб келганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларациясининг тақдим этилиши мажбурий шарт бўлиб ҳисобланади".

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

**“АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ
ТОМОНИДАН МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА”ГИ ҚАРОРНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН
ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 июлда 2975-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг казий банки тўғрисидаги Қонунига
“Ўзбекистон Республикасининг Мармувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мар-

казий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 21 февралдаги 6/1-сон “Аҳоли бандлигини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш

ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2975, 2018 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 26 февраль, 8-сон, 150-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

**Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
14/14-сон**

М. НУРМУРАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА КАССА АМАЛЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 июлда 1602-3-сонли рақам
билан рўйхатдан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/6-сон қарори (рўйхат рақами 1602,

2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

**Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/12-сон**

М. НУРМУРАТОВ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/12-сон қарорига
ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини
юритиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1, 2, 32, 33, 42 ва 47-бандлардаги “10111 — “Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассаларидаги нақд пуллар” деган сўзлар “10111 — “Амалиёт кассаларидаги нақд пуллар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банддаги “16309 — “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” деган сўзлар “Кредитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3 ва 31-бандлардаги “10111 — “Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операция) кассаларидаги нақд пуллар” деган сўзлар “10111 — Амалиёт кассаларидаги нақд пуллар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 411 — 414-бандлар билан тўлдирилсин:

“411. Автоматлаштирилган депозит машинаси ёрдамида Online-инкассация операциялари амалга оширилганда:

а) агар мижозга ушбу банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 202XX — “Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар”

Кредит 45294 — “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар” (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

б) агар мижозга ушбу банкнинг бошқа филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 29804 — “Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари”

Кредит 45294 — “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар” (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 29804 — “Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари”

Кредит 202XX — “Талаб қилиб олингун-

ча сақланадиган депозитлар”

в) агар мижозга бошқа банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 29804 — “Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари”

Кредит 45294 — “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар” (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 29804 — “Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари”

Кредит 202XX — “Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар”.

412. Автоматлаштирилган депозит машинаси ёрдамида жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги пластик карталарига нақд пуллар кирим қилинганда:

а) агар мижозга ушбу банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 23116 — “Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар”

Кредит 45294 — “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар” (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 23116 — “Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар”

Кредит 22617 — “Пенсионерларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар” ёки 22618 — “Жисмоний шахсларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар”

б) агар мижозга ушбу банкнинг бошқа филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 22214 — “Бош офис/филиалларга пластик карталардан амалга оширилган

тўловлар бўйича тўланадиган маблағлар”

Кредит 45294 — “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар” (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 16113 — “Бош офис/филиалдан пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича олиниши лозим бўлган маблағлар”

Кредит 23116 — “Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар”

Кредит 22617 — “Пенсионерларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар” ёки 22618 — “Жисмоний шахсларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар”

Кредит 16113 — “Бош офис/филиалдан пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича олиниши лозим бўлган маблағлар”

Кредит 22617 — “Пенсионерларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар” ёки 22618 — “Жисмоний шахсларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар”

Кредит 16113 — “Бош офис/филиалдан пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича олиниши лозим бўлган маблағлар”

в) агар мижозга бошқа банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 21014 — “Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар”

Кредит 45294 — “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар” (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 10513 — “Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар”

бўйича транзит ҳисобварақлар”

Дебет 23116 — “Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар”

Кредит 22617 — “Пенсионерларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар” ёки 22618 — “Жисмоний шахсларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар”

Дебет 21014 — “Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар”

Кредит 10513 — “Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар”.

413. Автоматлаштирилган депозит машинаси ёрдамида жисмоний шахсларнинг кредитлари тўланганда:

а) агар мижозга ушбу банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 29801 — “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” ёки 22812 — “Келгуси давр фоизли даромадлари”

Дебет 29801 — “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Кредит мижознинг ссуда ҳисобварағи ёки 16309 — “Кредитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар” ёхуд 16377 — “Шартнома бўйича ҳисоблаб ёзилган, бироқ мuddатида тўланмаган олиниши лозим бўлган фоизлар”

Дебет 22812 — “Келгуси давр фоизли даромадлари”

Кредит 4XXXX — Тегшли даромадлар ҳисобварағи

б) агар мижозга ушбу банкнинг бошқа филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 29801 — “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Дебет 29801 — “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Кредит 29801 — “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” (кредит олинган филиал)

Дебет 29801 — “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” (кредит олинган филиал)

Кредит мижознинг ссуда ҳисобварағи ёки 16309 — “Кредитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар” ёхуд 16377 — “Шартнома бўйича ҳисоблаб ёзилган, бироқ мuddатида тўланмаган олиниши лозим бўлган фоизлар” ёки 22812 — “Келгуси давр фоизли даромадлари”

Дебет 22812 — “Келгуси давр фоизли даромадлари”

Кредит 4XXXX — Тегшли даромадлар ҳисобварағи.

414. Автоматлаштирилган депозит машинаси ёрдамида бошқа тўловлар амалга оширилса:

Дебет 10107 — “Банкоматлардаги нақд пуллар”

Кредит 29801 — “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Дебет 29801 — “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Кредит Тўловларни олувчиларнинг ҳисобварақлари”.

“Ўзагросуғурта” кубоги Ғолиби аниқланди

Бухоро вилояти-нинг Бухоро шаҳрида “Ўзагросуғурта” АЖ Бошқаруви ташаббуси билан ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда мусобақа иштирокчилари ўртасида ўзаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида мини футбол бўйича мусобақа ташкил этилди.



Жорий йилнинг 26-27 июль кунлари иккинчи бор бўлиб ўтган “Ўзагросуғурта” АЖ кубоги мусобақасида Жамият бошқаруви, ҳудудий филиаллар ҳамда “Агрос

Ҳаёт” суғурта компанияси ходимларидан иборат жамоалар иштирок этди.

Мусобақа якунида биринчи ўрин Бухоро вилоят филиалига, иккинчи ўрин “Агрос Ҳаёт” компаниясига ва учинчи ўрин Наманган вилоят филиалига насиб этди. Ғолиблар “Ўзагросуғурта” АЖ Бошқаруви раҳбарияти томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шу билан бирга “Энг яхши ўйинчи”, “Энг яхши дарвозабон”, “Энг яхши тўпурақ” йўналишлари бўйича ҳам муносиб деб топилган номзодлар танланиб рағбатлантирилди.

finance.uz



Ёнғин жойига етиб бориш йўлида тўсиқ борми

Ақсарият ёнғинларнинг аҳоли яшаш жойларига тўғри келаётгани сабаби ҳаммамиз учун таниш оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасликдир. Фуқароларнинг биргина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бефарқ қараши туфайли машаққатли меҳнат эвазига қурилган уй-жой ёки мол-мулклари бир неча дақиқада култепага айланмоқда.

ОГОҲЛИК

Ёнғин содир бўлаётган жойга йўл олган ёнғин ўчириш автоуловлари ҳар дақиқани ганимат билан отланар экан, айрим кўчаларга ўрнатилган темир ва бетон тўсиқлар ғов бўлиб, ёнғинларнинг бартараф этилишини қийинлаштириб, янада оловланиб кетишига олиб келмоқда.

Давлат ёнғин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни

оловдан унумли фойдаланишга чақиради. Электр манбаи ва газни оқилона ва инсоф билан ишлатмаслик қанчалар зарар эканини ҳеч бимиз унутмаслигимиз лозим. Уйдан чиқиб кетаётганда электр ва газ ускуналарини ўчиришни ёдингиздан чиқарманг, фарзандларингизни назоратсиз қолдирманг.

Шерзод ИСЛОМОВ,
Юнусобод тумани

ЁХБ инспектори, кичик сержант



ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси
“Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти
“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти
“Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти
“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти
“Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)

Азиз муштарийлар!

Банк, бизнес ва иқтисодий соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

Қашқадарё вилояти
“Matbuot Servis” МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти
“Matbuot Servis” МЧЖ – (99-603-03-68)

“Matbuot Servis” МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти
“Сирдарё матбуот хизмати” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти
“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)

Самарқанд вилояти
“Тошкент жаҳон зиё” – (97-922-02-33)



БАНК МОЛИЯ СОҲАСИ АТАМАЛАРИ

Аккредитив (*лот. accredo – ишонман*) – пул ҳисоб-китоб ҳужжати; банк мажбурияти. 1) томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилаётган ҳисоб-китоб тури бўлиб, унга кўра қарз берувчи (кредитор) белгиланган муддатларда, келишилган шартлар асосида келишувда кўрсатилган банк орқали ўзига тегишли тўловларни олиб боради; 2) жамғарма банкнинг аҳолига кўрсатиладиган хизмат турларидан бири; банк бўлимининг тегишли бир шахсга маълум миқдордаги сўмларга берадиган буйруғи, махсус бланк воситасида амалга оширилади. Булардан ташқари аккредитив турли шахсларга жойлашган корхоналарнинг мулкӣ муносабатларида, халқаро ҳисоб-китобларида кенг қўлланилади.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМҚОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи

Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”

МЧЖ

Газета тахририятининг техник ускуналарида
саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да зълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан руйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 803

Адади 1838 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 31.07.2019 й.,

1 2 3 4 5

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.